



ТОШ ВА ҚОНЛАР ҲУҚМДОРИ



Словак эртаги

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам эмас, тоғлар ораллигидаги қишлоқда бир бева хотин яшар экан. Эри ўлганидан бери ғам билан йўқчилик унинг оstonасидан нари кетмас экан. У меҳнат қилиб кун кўрар, ягона овунчоғи қизи экан.

Қизи катта бўлиб, бўйи етган сари ҳусни очилаверибди. У шундай гўзал қиз бўлибдики, кўрган киши ундан кўзини узоқмас экан. Қомати келишган, қалам қош, кўзлари мусаффо мовий осмонни эслатар, сочлари эса беллига тушар экан. Қиз жуда ҳам гўзал, лекин ўлгудек гердайган экан. Дугоналарини менсимас, деҳқон йиғитларни назар-писанд қилмас экан. Эртадан кечгача ясан-тусанин ўйлаб, кўзгудан кўзини узмас экан. Бева онаси эса, тинмай ишлар, топганини унга тутар экан.

Бир кун кечкурун ойиси унинг олдига янги соғилган сут билан янги ёпилган нон қўйибди. Қизи бўлса, сутга қарамабди, нонни эса улоқтирибди.

— Нон жонимга тегди,— дебди у,— кўргани кўзим йўқ. Шаҳарда ҳамма юмшоқ кулча билан ширин нон ейди. Бахтсизман! Атиги учта кўйлагим бор. На узугим, на сочимга тақадиган тақинчоқларим бор...

У шундай деб йиғлай бошлабди, қизига қараб онаси ҳам кўз ёши тўкибди.

— Нима қилай, болам, бой эмасмиз! Бахт бойликда эмас. Отанг билан йўқчиликда яшар эдик, лекин бир-биримизга меҳрибон эдик, шунинг учун қора нон ҳам бизга ширин кулчадек туюлар эди.

Ухлагани ётишибди. Бева хотин узоқ вақт ухлолмабди. У ёстиқдан бошини кўтариб қизига қарабди, ой ёғдусида қизининг уйқусида илжайётганини кўрибди. Кўнгли бир оз тинчиб, уйқуга кетибди.

Эрталаб:

— Нима туш кўрдинг, қизим? Кечаси нега илжайдинг?— деб сўрабди.

— Тушимда,— дебди қизи,— олдимга мис каретада куёв келиб, узук совға қилди. Узукнинг кўзи осмондаги юлдуздек ярақлади. Узукни тақиб кўчага чиқдим. Ҳамма менга қараб, узугимга ҳавас қилди.

— Тушинг яхшиликка бўлсин-да,— дебди онаси ва уй ишларига овора бўлиб кетибди.

Қизи бўлса қўлида кўагу билан дераза олдига ўтириб олибди.

Чошгоҳда ҳовлига деҳқоннинг араваси кириб келибди. Отлари семиз, араваси ҳам янги, аравадаги йигит эса елкадор паҳлавонга ўхшаркан. У гўзал қизга, беванинг қизига совчи бўлиб келган экан.

Бевага куёв ёқибди. Она хурсанд бўлибди. Лекин қизи йигитга қайрилиб ҳам қарамабди-да:

— Агар мис каретада келганингда ҳам, тошлари осмондаги юлдузлардек ярақлайдиган узук совға қилганингда ҳам сенга тегмас эдим,— дебди.

Деҳқоннинг ўғли хафа бўлиб, отларини қамчилабди-ю, жўнаб кетибди.

Она хафа бўлиб, қизини уришибди.

— Нега шундай яхши йигитга йўқ дединг? Улар камбағал эмас, мен уларни биламан. Уйлари яхши, ерлари ҳосилдор, ўзларига тўқ одамлар.

— Оҳ, ойижон, деҳқонларнинг хизматини қиламан деб, шундай гўзал бўлдимми...

Онаси ҳеч нарса демай, бошини чайқабди.

Кун ўтибди. Қизи барвақт ухлагани ётибди. Онаси алламаҳалгача севикли қизига янги кўйлак тикиб ўтирибди. Ўрнига ётаётганида қизининг уйқусида жилмаяётганини кўрибди.

«Қизим тушида яна нимадандир хурсанд бўляпти!»— деб ўйлабди она.

Ҳақиқатан ҳам қизи эрта билан кўзини очибоқ тушини гапира бошлабди.

— Бугун кечагидан ҳам яхши туш кўрдим, ойижон. Менга совчи бўлиб кумуш извошда бир йигит келди. Сочимга тақадиган кумуш безак совға қилди. У худди ойдек ярақлар эмиш. Мен уни тақиб кўчага чиқдим. Ҳамма менга қаради, ҳамманинг ҳаваси келди.

— Дарчани яхши ёпмаган эдим, қизим, ой ёруғи юзнингга тушиб, шунақа туш кўргандирсан.

Кун ёришибди, қуёш чиқибди. Кун ярмидан оғиши билан уй олдига извош келиб тўхтабди. Қиз дераза олдига югуриб келиб қарабди-ю, тескари ўгирилибди.

Шу пайт эшикдан шаҳарлик совчилар кириб келншибди, улар билан ёш савдогарзода ҳам кирибди. Она шоша-пиша уларни ўтқазибди, дастурхон ёзибди.

Совчилар қондаси билан куёвни мақтаб, келинни алқаб гапга огиз очқшлари билан қиз савдогарзодага қараб шундай дебди:

— Агар кумуш каретада келганингда ҳам, ойдек ярақлайдиган соч безак совға қилганингда ҳам, мен сенга хотин бўлмайман.

Савдогарзода ҳам, совчилар ҳам хафа бўлишибди, извошларига ўтириб, қайтиб кетишибди.

Она қизини қанчалик яхши кўриб эркаламасин, энди ўзини тутолмай, қизини уришибди.

— Жуда кеккайгансан, қизим, куёв танлашни ҳам қаддан ошириб юбординг. Ахир савдогарзода чиройли, бой. Шаҳарга олиб бориб ясантириб қўярди. Бундан ортиқ нима керак сенга!

— Нима ортиқ, нима камлигини ўзим биламан,— дебди қиз.—
Пойлайман, вақт-соати келади.

— Сени қистамайман,— дебди онаси.— Лекин танлаб тозига
учрамагин, дейман. Яна, одамлар билан хушмуомила бўлишинг-
ни истайман.

Учинчи тун бева хотин қизининг уйқусида қаттиқ кулиб юбор-
ганидан уйғониб кетибди. У шундай қаттиқ кулибдики, қўнғироқ
жаранглагандай бўлибди.

Эрталаб қизн шундай дебди:

— Қанақа туш кўрганмни эшитинг, ойи. Куёв олтин каретада
келибди, қуёш нуридек ярақлайдиган олтин кўйлак совға қилиб-
ди. Мен шу кўйлакни кийиб, кўчага чиқибман. Қим қараса, кўзи
қамашиб, тескари қарар эмиш.

— Тушинг яхшиликка бўлсин-да, қизим,— дебди онаси.—
Одамлар сенинг чиройингдан нега тескари қарашдийкин?

— Яхшилик бўлади, ойи, яхшилик бўлади. Ҳали кўрасиз, бу-
гун ким менга совчи бўлиб келар экан.

— Ҳеч ким келмайди,— дебди онаси,— иккита куёвни ҳайдаб
юбординг, қолганлари нэза бўлишни истамайди.

Лекин онасининг ўйлагани бўлмай, қизининг истагани бў-
либди.

Қоқ пешинда кўчада шовқин, тўс-тўполон эшитилибди. Ҳовли-
га учта карета кириб келибди. Биринчиси иккита қўнғир от қў-
шилган мис карета. Иккинчиси тўртта кулранг от қўшилган ку-
муш карета, учинчиси олтин рангли олтин туёқли саккиз от қў-
шилган карета. Отлар сўлиқларини чайнаб, туёқларини тепиб
турган эмиш.

Мис каретадан қизил иштон, яшил камзул, яшил қалпоқ кий-
ган хизматкор болалар тушишибди. Улар югуриб бориб кумуш
карета эшигини таъзим билан очишибди. Ундан шляпасига жиға
тақилган, узун кулранг кафтан кийган сарой аъёнлари тушишиб-
ди. Улар олтин карета олдига келишибди. Таъзим билан унинг
эшигини очишибди. Ундан куёв тушибди. У шунчалик келишган
эканки, бунақаси қишлоқдагина эмас, шаҳарда ҳам топилмас
экан. Қийимлари олтиндан, этик боғичлари олмос билан безатил-
ган.

Қиз уни кўрибди-ю, онасининг қўлини ушлабди.

— Қаранг, ойи, қаранг! Уч марта тушимга кирган йигит мана шу. Ниҳоят ҳақиқий қаллиғим келди!

Бу келишган йигит ҳақиқатан ҳам совчи бўлиб келган экан.

Қиз қанчалик хурсанд бўлса, онанинг юраги шунчалик уюшар экан. Куёв чиройли, бой, зодагон. Лекин қаердан келган, суюкли қизини қаерга олиб кетади, бу номаълум экан. Она яна куёвнинг кўзида меҳр, йилқлик йўқлигини сезиб қолибди. Кўзлари тирик одамларнигига ўхшамай, тошга ўхшаб ялтираркан.

Қиз боққа югуриб чиқиб, бир даста гул узиб келибди ва розилик аломати сифатида йигитга тақдим қилибди. Куёв қизга кўзи юлдуздек ялтираётган узук, ой нуридек ярақлайдиган соч безак ва олтин кўйлак совға қилибди.

Келин совгаларни олиб, кийиниш учун бошқа хоната чиқибди.

— Қизим ёлғиз бўлгани учун эрка ўсган. Уни севиб, доим меҳрибонлик қиласанми? Қаттиққўл бўлмайсанми?— деб сўрабди она куёвдан.

Қизингизни гердайган ва тош юраклиги учун севиб қолганман. Қироллигимдаги бор нарсаларнинг ҳаммаси уники.

— Қироллигинг узоқдами?

— Узоқликка узоқмас-у, лекин у жойга бориш қийин.

— Демак, қизимни бориб кўролмас эканман-да?

— Кўролмайсиз. Лекин қизингиз истаса, бир йилда уч кунга рухсат бераман.

Мана қиз олтин кўйлак кийиб, сочларига кумуш безак тақиб чиқибди. Бармогидаги узуги эса юлдуздек ялтирар эмиш. Она қизининг гўзаллигидан қувониб юрар экан, энди эса уни кўриб анграйиб қолибди.

Куёв қизининг қўлидан тутиб, олтин карета томон йўл олибди.

Одамлар ҳар томондан югуриб келиб, бу гаройиб тўйни томоша қилишибди. Лекин қиз, бир марта бўлса ҳам ҳамқиншлоқларига қарамабди, уларга охириги марта илжаймабди.

Қареталарга ўтиришибди. Ҳайдовчи қамчинини силкитибди. Олтин рангли отлар қўзғалиб, каретани ғизиллатиб кетишибди. Унинг кетидан кумушранг отлар, ундан кейин қўнғирранг отлар йўлга тушншибди.

Она остонада турганча кареталар орқасидан кўтарилаётган чангга тикилиб қолибди. Юраги эзилибди, қизини бундан кейин кўра олмаслигини сезибди.

Ҳамқишлоқлар уйларига тарқалишаркан, бир-бирларига:

— Келин яхши иш қилмади. Одатимизга рноя қилмади — қиз-ошида дугоналари билан хайрлашмади, қўшниларига таъзим қилмади, кетиши олдидан онаси оёғига йиқилмади,— дейишибди.

Учта карета бўлса, йўлда кетаверибди. Далалардан ўтибди, ўрмонлардан ўтибди, тоғ оралиғига кирибди.

Келин қаерга кетяпмиз, деб ўйлар, лекин эридан сўрашга боти-нолмасмиш.

Тоғлар борган сари торайиб, борган сари баландлашиб бора-верибди. Улар тор дарага киришибди. Дара шунчалик тор эканки, кареталар аранг ўтибди. Мана дарада йўл тугабди ва рўпарада ғор эшиги очилибди. Отлар юришини секинлатмай аждар оғзига киргандек ғорга ўзини уришибди.

Улар ичкарига киришлари билан орқаларидан гулдираган овоз эшитилибди. Тоғдан кўчки тушиб ғор оғзини тўсибди. Келин қўрқиб эрига ёпишибди. Эри уни юпатибди.

— Қўрқма, хотин, ҳаммаси қондаси билан бўляпти. Тезда уйга етамиз.

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай атроф ёришиб, ғордан чиқишибди. Яна тоғлар бошланибди. Тоғ бағирларида дарахтлар ўсиб ётган эмиш. Лекин тоғлар ҳам, дарахтлар ҳам жуда ажойиб эмиш. Келин атрофга назар ташлабди: ҳамма нарса қўрғошиндан. Қоялар қўрғошин, эман ва қарағайларнинг шоҳлари, барглари қўрғошин, арча ва қайинларнинг пўстлоқлари, бутоқлари қўрғошинданмиш. Келин карета дарчасидан бошини чиқариб осмонга қарабди. Осмон ҳам қўрғошиндан бўлгандек, хира нур таратаркан. Ҳамма нарса қотиб қолгандек қимир этмасмиш. Ер остида шамол нима қилсин?!

Ниҳоят қўрғошин тоғ орқада қолди, кенг водий бошланибди. Ҳаммаёқ ярақлаб кетибди, ўтлар яшил тошдан, гуллар ёқут ва зумраддан, осмон эса ложувард тошдан экан. Водийнинг ўртасида кумуш деразали олтин қаср турганмиш.

— Мана уйга етиб келдик, жонгинам,— дебди эри.— Нима қўрган бўлсанг ва нималарни кўрадиган бўлсанг, ҳаммаси меники, энди улар сеники ҳам бўлади.

Ёш келин эрига кулиб қарабди. Улар саройга киришибди. Ҳаммаёқ қимматбаҳо тошлардан чароғон эмиш. Шу пайт қизил

иштон, яшил камзул, қизил қалпоқ кийган одамлар югуриб келишибди. Улар таъзим қилишибди:

— Тош ва конлар ҳукмдори, дастурхон ёзишни буюрасанми?— дейишибди.

У қўлини силкитибди. Хизматкорлар бир зумда дастурхон ёзишибди, турли таомлар қўйишибди.

Келин татиб кўрибди-ю, тишларини синдирншига оз қолибди. Ҳамма овқатлар тошдан, бирортасини ҳам чайнаб бўлмас экан. Эри бўлса овқатни ер, хотинига гоҳ униса, гоҳ бунисини татиб кўр, дер эмиш.

Хотини эса:

— Азиз эрим, ҳеч нарса истамайман. Менга бир бурда нон бе-ришсин,— дебди.

Тош ва конлар ҳукмдори чапак чалибди. Тоғ одамчаларни мис баркашда мис нон олиб келишибди.

Ёш хотин бошини қимирлатибди. Хизматкорлар кумуш баркашда кумуш нон, олтин баркашда олтин нон олиб келишибди.

Хотини эрига қараб:

— Менга мис нон ҳам, кумуш нон ҳам, олтин нон ҳам керак эмас, менга бир бурда оддий нон олиб келишсин,— дебди.

Эри шунда:

— Сен нонни яхши кўрмас, унга қарагинг келмас эди-ку! Истагингни бажаришга тайёрман, аммо менинг мулкимда сен истаган нарса йўқ,— дебди.

Ёш келин ҳеч нарса емасдан ўрнидан турибди.

Ер ости қироллигида кунлар ўтаверибди. Лекин кеча билан кундузни ажратиб бўлмас, фақат қум соат вақтни ўлчар экан. Оқ қум тушса ер юзида кундуз, қора қум тушса, кечаси бўлар экан.

Эр ёш хотинини эркалар, ҳеч қачон қаттиқ гапирмас экан. У ҳам эрини севар экан. Лекин вақт ўтгани сари ер юзини кўпроқ қўмсай бошлабди.

— Нега хафасан, жонгинам?— деб хотинидан сўрабди бир куни эри.

— Қуёшни, ой ёғдусини соғиндим, қора тупроқли ерни ҳам...— дебди хотини.

Эр қовоғини солибди.

Уйланганимда, бу ердаги нарсалар сенга ёқади деб ўйлаган эдим. Майли, хафа бўлма, яқинда бир йил тўлади, уч кечаю уч кундузга ер ости қироллигимдан қуёш нури ёгилиб турган ерга чиқасан.

Хотини қувониб кетибди.

— Биринчи навбатда ойимни бориб кўраман,— дебди у.

Эри яна ҳам қовоғини уйибди.

— Сени хафа қилишга қўрқиб, ҳақиқатни яширган эдим. Онангга совға юборган эдим. Уйларингда ҳеч ким йўқ экан. Онанг оламдан ўтибди. Тўйимиздан кейин узоқ яшолмабди.

Хотини қўлларини силкитиб, аччиқ-аччиқ йиғлабди.

Ёш хотин ер ости қироллигида қайғуга ботиб юрар, уни безаклар, қимматли тошлар ҳам қизиқтирмас экан. Фақат қум соатга тез-тез қарар экан. Соатда эса оқ қум билан қора қум тинмай алмашиниб тушар экан.

Мана белгиланган кун келибди. Гўзал келин тоғдан чиқибди. Баҳор фасли экан. Қуёш майин нур сочар, осмонда қушлар парвоз қиларкан.

Қиз ерга ётиб уни ўпибди, ердан яшил ўтлар ниш уриб чиқибди. Дарахт шоҳларини силаган экан, дарахтлар куртак чиқариб, барг ёзишибди. Атрофга қувноқ нигоҳ ташлаган экан, гуллар очилибди.

У одамларни кўриб улар олдига югурибди, уларни қучоқлаб:

— Бир бурда нон беринглар!— деб илтимос қилибди.

Одамлар ҳайрон бўлишибди. Гадо ҳам эмас, йиртиқ-ямоқ кийим кийган ҳам эмас, ёш, гўзал, кийими ҳам асл матодан экан. Лекин тиланчилик қилаётганмиш. Одамлар ҳайрон бўлишибди-ю, лекин унга нон беришибди.

Тош ва конлар ҳукмдорининг хотини ер юзасида уч кечаю уч кундуз бўлибди. Кечани ўрмонда ўтказибди, тонгда эса қушларнинг ин қуришини томоша қилибди, ҳайвонларнинг инларидан қандай чиқишини кузатибди. Қуёш ҳам, шамол ҳам, ҳатто ёмғир ҳам унинг қалбига ором берибди.

Уч кунда ҳаммаёқ яшил гилам билан қопланибди, дарахтлар гуллабди! Шунда қизнинг муддати тугабди. У тоғ олдига келибди, қоялар сурилиб, унга йўл беришибди ва яна бекилиб қолишибди.

Шундан бери баҳор келганда, одамлар:

— Тош ва конлар ҳукмдорининг хотини ер ости шоҳлигидан

чиқди. Бир вақтлар у иссиқ нон билан қуёшнинг қадрига етмаган эди. Энди у бечора ҳар гал ёруғ дунёга чиққанида хурсанд бўлади. Уни кўриб атрофда майсалар кўкаради, дарахтлар гуллайди,— дейишаркан.

ЧИВИН БИЛАН АЙИҚ

Словак эртаги

Чивин билан айиқ ўртоқ экан.

Бир куни айиқ чивиндан сўрабди:

— Чивинжон, ошна, сен ҳамма жойда учиб юрасан, ҳамма ҳайвонларнинг қонини нчасан. Қани ўйлаб кўриб айт-чи, ҳаммасидан кимнийг қони ширин?

Чивин жавоб берибди:

— Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммасидан одамнинг қони ширин.

— Ундай бўлса, мен ҳам татиб кўраман,— дебди айиқ.

Чивин ўз иши билан учиб кетибди, айиқ бўлса одамни қидириб кетибди.

У ўрмонда кўп юрибди-ю, лекин ҳеч кимни учратмабди. Ниҳоят ўрмон чеккасига чиқибди. Шу ерда у калтакни от қилиб миниб юрган ёш болани кўрибди.

— Ҳой, тўхта!— дебди.— Сен одаммисан, одам эмасмисан.

— Энди одам бўламан,— дебди бола ва гурур билан қаддини ростлабди. Чунки у тезроқ катта бўлишни истар экан.

— Ундай бўлса бор, кетавер,— деб тўнғиллабди айиқ.— Энди одам бўларкансан, ундан менга нима фойда.

Айиқ лапанглаб кетаверибди. Шошмасдан юрса ҳам бир қарияни қувиб етибди. У шундай қари эканки, оёгини аранг кўтариб босар, ҳассага суяниб олган экан.

— Ҳой, тўхта,— дебди айиқ.— Сен одаммисан, одам эмасмисан?

— Энди одам эмасман. Бир вақтлар шунақа одам эдимки!

— Кетавер, йўлингдан қолма,— деб тўнғиллабди айиқ.— Илгарн одам бўлганингдан менга нима фойда.

Улар ўз йўлларига кетишибди.

Айиқ ўрмон ёқасидан ўтган йўлга чиқибди. Шу пайт қаршисидан олтин ипак билан тикилган қизил мундир кийган, мис дубулғасига жиға таққан отлиқ гусар чиқиб қолибди. Елкасидаги калта плашн шамолда ҳилпирармиш.

Айиқ ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Тўхта! Сен кимсан?

Гусар мўйловини бураб дебди:

— Кўрмаяпсанми? Қилич, қурол таққан, муҳими, калласи бутун одамман.

У шундай деб йўлида давом этибди. Лекин айиқ унинг гапини эшитибди унинг кетидан югурибди. Етиб олишига оз қолибди.

Шунда гусар айиққа ўгирилибди-да, қиличини суғуриб унинг елкасига тушириб қолибди. Айиқнинг териси ёрилиб, қон оқа бошлабди.

Айиқ одам билан ҳазиллашиб бўлмастегини тушунибди-да, тирақайлаб қочиб қолибди. Лекин гусар эринмасдан милтиғини олибди-да, айиқнинг орқасидан ўқ узибди.

Айиқ инига аранг етиб келибди.

Кўп ўтмай унинг ўртоғи чивин ҳам учиб келибди.

Айиқ инграб, чивинни уриша бошлабди:

— Билмадим, ошна, энг ширини одам қони деб, тўғри айтганмисан... Мен уни татиб кўрмоқчи эдим, бўлмади.

— Нима бўлди?— ҳайрон бўлибди чивин.— Нима учун татиб кўрмадинг?

— Яхшиси, одамга ўчакишмаслик керак экан. Мен уни қувиб етмоқчи эдим, у узундан-узун тилини чиқарди. Ҳатто қўлига олди. У шунақа ўткирки, суюгимгача бориб етди. Мен унга тегмай қочдим, лекин у орқамдан бир туфлади. Тупуги биқинимга тегди, ёндириб юборгандек бўлди. Ҳозир ҳам биқиним ачишиб турибди.

Шунда чивин хахолаб кула бошлабди. У шунақанги хахолаб кулибдики, ёрилиб кетибди.

Лекин бу албатта, ёлғон. Чунки шу кунгача чивинлар ҳамма ҳайвоннинг қонини нчишади ва одамларнинг жонига тегишади.

Чех эртаги

Бир ерда ариқ бўлган экан. Устига энсизгина кўприк қўйилган экан. Шундай тор эканки, икки киши сира ўта олмас экан.

Кунларнинг бирида Бахт кўприкнинг бир томонидан, Ақл кўприкнинг иккинчи томонидан оёқ қўйибди. Бир қадамдан юришгач, иккаласи ҳам тўхтаб қолибди.

— Менга йўл бер,— дебди Бахт.

— Нега сенга йўл берар эканман,— дебди Ақл.

— Чунки мен инсон учун зарурроқман. Мен, Бахтнинг олдида ҳатто Ғам ҳам бош эгади.

— Мен сен ҳақингда ёмон гап айтмоқчи эмасман. Балки ҳақиқатан ҳам инсон сен туфайли яхши яшар. Лекин Ақл бўлмаса, унинг ҳолига вой. Мен билан барча жумбоқларни ҳал қилади, ҳамма чигилларни ечади. Сен бунда керак бўлмайсан.

Бахт кулиб, шундай дебди:

— Сен Ақлсан-у, лекин жуда соддасан. Кел, жанжалимизни ишда синаб кўрайлик. Қара! Кўряпсанми, бир йигит ер ҳайдаяпти. Энди балоғатга етаети. Ўз ақли, ўз бахти йўқ. Шу пайтгача отасининг ақли, бахти билан яшаган. Қани ишга кириш. Кейин ким ҳақ эканлигини гаплашамиз.

— Сен айтганингча бўлсин!— дебди Ақл ва кўприкдан тушибди.

Бошқа киши бўлганда қайсарлик қилган бўлармиди, ammo у Ақл-да, бекордан-бекорга жанжаллашмайди.

Йигит эрталабдан бери отаси айтганидек, сўқани тўғри босиб ер ҳайдар, ҳеч нарсани ўйламас экан. Бирдан ўйланиб қолибди.

Кечгача ер ҳайдаб, уйга қайтиб келибди-да, отасига шундай дебди:

— Ун етти йил яшадим, дала билан қишлоқдан бошқа ҳеч нарсани кўрмадим. Рухсат беринг, жаҳонни кезиб ўз кучимни синаб кўрай.

Йигит уйда охирги кеча тунабди. Тонг отиши билан катта йўлга чиқиб, боши оққан томонга кетаверибди.

Қанча юргани, йўлда кимларни учратгани тўғрисида эртақда айтилмаган. Биз ҳам сўрамаганмиз.

Ниҳоят у қирол яшайдиган катта шаҳарга келибди.

«Кўп юриб, кўп нарсани кўрдим. Деҳқонларни ҳам, савдогарларни ҳам, косибларни ҳам кўрдим... Энди қиролни кўрсам яхши бўлар эди. Лекин қиролнинг ҳузурига шундоқ киролмайсан! Қирол саройига ишга кираман. Ошхонадами, отхонадами ишлайман...» — деб ўйлабди йигит.

Қирол ошхонасидан ошпаз ҳайдабди, отхонадан унга иш топилмабди, боғбонга бўлса дастёр керак экан, йигитни ишга олибди.

Йигит буғдой экиш-у, сабзавот етиштиришни билар экан, холос. Лекин боғни парвариш қилнш, дарахтларни кесиш-у, гулларни ўстириш унинг тушига ҳам кирмаган экан. Лекин йигит Ақл билан ошна бўлганидан, боғбоннинг ишига разм солиб нима иш қилиш кераклигини дарров билнб олибди.

Бир йил бир зумда ўтиб кетибди. Боғбон ҳамма ишни унга топшириб қўйибди. Бунақа дастёрни умрида кўрмаган экан. Боғ яна ҳам обод бўлиб кетибди.

Қирол ҳар куни севикли қизи билан боғда сайр қилар экан. Малика афсоналардагидек гўзал экан! Нилуфар олдига келса юзлари ундан оқроқ экан, қизил гул олдига келганда эса яноқлари гулдан ҳам ёрқинроқ ёнар экан. Сочлари бўлса гўё олтиндек, тонг ёғдусига ўшар, кўзлари шохлар орасидан кўринадиган мусаффо осмонни эслатар экан.

Лекин боғбоннинг дастёри унинг овозини сира эшитмаган экан. Қирол унинг ишини мақтар, ундан баъзи нарсаларни сўрар экан-у, лекин малика оғзига сўк солгандек ҳеч нарса демас экан.

Айтишларича, малика ўн олти ёшгача дугоналари билан гап-лашар, улар билан қўшиқ айтишар экан. Қулганда овози қўнги-роқдек жараиғлар экан. Ун олти ёшга тўлгандан кейин гапирмайдиган бўлиб қолибди. Ҳамма мамлакатлардан шаҳзодалар, асл зодалар унга совчи бўлиб келншар экан. Малика уларнинг гапларини тинглар экан-у, бошини қнмирлатиб рад қилар экан. Қирол унга ялинар, табнб ва сеҳргарларга кўрсатар экан. Ниҳоят у,

кимки қизимни гапиртирса, ўзимга куёв қиламан, деб фармон чиқарибди.

Аслзодалар ҳам, савдогарзодалар ҳам бахтларини синаб кўришибди. Лекин уддасидан чиқишолмабди. Малика оғзи елимлаб қўйилгандек товушини чиқармабди.

Ёш боғбон уни бир кўргандаёқ тинчлигини йўқотибди. Хаёлида фақат малика бўлиб қолибди. Ниҳоят:

«Маликани гапиртиришга уриниб кўраман»,—деган қарорга келибди.

Бир куни Малика боққа ёлғиз ўзи кучуги билан сайрга чиқибди.

Шу пайт ёш боғбон гул кўчати ўтқазаётган экан. Малика унинг ишини томоша қилмоқчи бўлиб тўхтабди. Ити ҳам унинг оёғи остида чўққайиб ўтирибди. Йигит итга шундай дебди:

— Қани, кучук, айт-чи, қанақа гап бизга ёқади?

Кучук бир қулогини кўтарибди, бошини эгибди, турган гапки, ҳеч нарса деёлмабди. Малика ҳам ўзини эшитмаганга солиб индамабди. Лекин кетмай тураверибди.

— Билмайсанми?—дебди йигит.— Билмасанг мен айтиб берман. Бизга ҳаммадан ҳам маъноли ва эркаловчи гап ёқади. Энди иккинчи жумбоқни эшит: қайси нарса доимо бир-бири билан бирга бўлади? Бир иккинчисисиз бир иш қилолмайди?

Кучук думини ликиллабди. Маликанинг лаби қимирлабди-ю, лекин очилмабди.

— Вой сени қара-ю!—дебди ёш боғбон.— Шунинг ҳам билмадинг-а! Фикр билан сўз бирга юради. Фикрсиз сўз шақлдоққа ўхшайди. Сўзсиз фикрни эса денгиз тубидаги чиганоқдаги маржон деявер.

Малика қошини чимирибди, бошини мағрур кўтарибди. Лекин барибир кетиб қолмабди.

Ёш боғбон кучукининг момик жунини силаб, яна гап бошлабди:

— Бу жумбоқларни топиш осон. Ҳозир сенга эртак десанг, эртак эмас, масал десанг масал эмас, яқинда бўлган бир воқеани айтиб берман. Ҳақиқатга ўхшайди-ю, лекин ўзинг хулоса чиқарарсан. Уч ўртоқ бир томонга кетишаётган экан. Биттаси ўймакорнинг шогирди, иккинчиси тикувчининг шогирди, учинчиси, ростини айтсам, қирол боғбонининг ёрдамчиси экан. Юриб-юриб кунин кеч қилишибди. Урмоида тунаб қолишга мажбур бўлишибди.

Бу ўрмонда бўрилар, силовсинлар бўлар экан. Уч ўртоқ гулхан ёқиб, навбат билан қоровуллик қилмоқчи бўлишибди. Биринчи бўлиб ўймакорнинг шогирди пойлоқчилик қилибди. Икки ўртоқ ухлабди, у бўлса гулханга шох ташлаб ўтирибди. Ниҳоят зерикиб, қўлига бир ёғочни олибди-да, вақтни ўтказиш учун йўна бошлабди ва бир қўғирчоқ ясаб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолибди. У ўз ишидан мамнун бўлиб, ўртоғини уйғотибди. «Тур,— дебди,— сенинг галинг келди. Ухлаб қолмаслигинг учун мана сенга иш,— у ёғоч қўғирчоқни кўрсатибди.— Халтангда парча-пурча латталаринг бор, нинанг қалпоғингга тўғналган, дангасалик қилма!»

Ўймакорнинг шогирди уйқуга кетибди. Тикувчининг шогирди бўлса ишга тушиб кетибди. Қўғирчоққа шунақа чиройли кўйлак тикибди-ки, бунақасини маликалар ҳам киймаган экан. Шунда унинг пойлоқчилик вақти тугабди. Тикувчининг шогирди учинчи ўртоғини уйғотиб, унга: «Буни қара, ўймакор қўғирчоқ ясади, мен унга кийим тикдим. Сен энди нима қилсанг, ўзинг биласан!»— дебди. У ерга узала тушиб, хуррак ота бошлабди. Боғбоннинг дастёри ёғоч қиз билан гаплаша бошлабди. Унга эртак айтибди, қўшиқ куйлабди, топишмоқ сўзлабди. У эртак айтса, қўғирчоқ куйлибди, қўшиқ куйласа, қўғирчоқ чапак чалибди. Топишмоқ айтганда эса қўғирчоқ тилга кириб, ҳамма топишмоқларни топибди. Тонг отибди, ўртоқлари уйғонибди. Кейни жанжал бошланибди. «Қиз менки!— дебди ўймакор.— Уни мен ясаганман». «Меники,— дебди тикувчи,— мен уни кийинтирганман». «Қиз меники,— дебди боғбон.— Мен уни гапиришга ўргатдим». Ҳозиргача улар жанжаллашаётган эмиш. Лекин қизнинг ўзидан сўраш ақлларига келмасмиш.

— Сўрашнинг нима кераги бор!— дебди бирданига малика.— Унга гап ўргатган, унга ҳаёт бахш этган кишига тегиши керак.

— Эсингда бўлсин, тағин гапингдан тоима!— дебди боғбоннинг шогирди.— Сен ўзинг шундай ҳукм чиқардинг! Мен сени ҳеч кимга бермайман, сен меники бўласан.

Малика лолодек қизариб кетибди. Бир нарса демоқчи бўлибди-ю, лекин буталар орасида турган отаси билан биринчи министрини кўриб қолибди. Чўчитилган қушдек сергак тортиб, қочиб кетибди.

Боғбоннинг дастёри ҳам қиролни кўрибди. Қирол севинганидан

оғзи қулоғида, ёш боғбоннинг олдига келиб, унинг елкасига қоқиб шундай дебди: -

— Мен ҳаммасини эшитдим. Ёш бўлсанг ҳам ақлли, тадбиркор экансан. Маликани гапиртиришга муваффақ бўлдинг. Қани айт, сенга қандай мукофот берай.

— Мукофотни сен ўзинг белгилагансан-ку, шоҳим,— дебди йигит.— Ваъда қилганингдек қизингни менга бер.

Қирол қовоғини солиб жим бўлиб қолибди. Шунда қиролнинг министри гап бошлабди:

— Ҳой, йигит,— дебди у,— ёш бўлсанг ҳам жиззаки ва қўпол экансан-ку. Ахир сен зоти паст, маликага қандай қилиб куёв бўласан!

— Лекин қирол ўзининг қироллик сўзини берган-ку!— деб туриб олибди йигит.

— Сен аҳмоқ, бу сўз қачон берилганини биласанми? У вақтда малика оғзига сўк солгандек индамас эди!

— Гап шунда-да,— дебди йигит.— Мен уни гапиртирдим.

— Ким эътироз билдиряпти?— дебди министр.— Малика гапирди. Энди унга ҳар қанақа шаҳзода ёки, масалан, биринчи министр уйланиб, ўзини бахтли ҳисоблайди. Гапига қулоқ солиб ўтирасизми! Ҳайдаб юборинг уни, жаноб олийларни!

— Йўқ, бу яхши бўлмайди,— дебди қирол.— Унга истаган нарсасини бериб мукофотлаш керак. Пул сўрасин ёки унга ер берамиз...

— Менга пул ҳам керак эмас, ер ҳам,— дебди йигит.— Қирол сўзининг устидан чиқишга мажбур. Қиролнинг сўзи қонун. Шоҳлик шу туфайли барқарор.

Биринчи министр қулогини бекитиб бақирибди:

— Шоҳимизни ҳақоратлайдиган бундай гапларни эшитишни истамайман. Қирол мажбур деган одам уни ҳақорат қилган бўлади. Қиролни ҳақорат қилганининг боши кетади! Жанобларн, уни қатл қилдиринг!

— Нима ҳам дердим,— дебди қирол қизишиб.— Шундай экан, бошқа ҳукмга у лойиқ эмас.

Соқчиларни чақириб, ёш боғбоннинг қўлини боғлашибди ва маҳтал турган шаҳар майдонига олиб кетишибди.

Шу пайт Бахт келиб Ақлга таъна қилибди:

— Йигитни қай аҳволга солганингни кўрдингми?!

Ақл гарданини қашибди.

— Ҳамма иш яхши кетаётган эди! Лекин ҳозир баҳслашиш вақти эмас. Энди унга ёрдам беролмайман. Агар қўлингдан келса, унга ёрдам бер.

— Осон иш эмас,— дебди Бахт.— Лекин ҳаракат қиламан.

У шундай дейиши билан араванинг ғилдирағи чиқиб кетибди. Уни тузатгунча анча вақт ўтибди. Озми, кўпми вақт ўтгандан кейин ниҳоят йигитни қатл майдонига олиб келишибди.

Йигит тахтасупага чиқа бошлаган экан, пиллапоя синиб кетибди. Усталар янги пиллапоя ясай бошлашибди.

Қирол бўлса, ёш боғбонни эсидан ҳам чиқариб юборибди. Қизининг хосхонасига югурибди. Тезроқ унинг товушини эшитгиси у билан гаплашгиси келибди.

— Нега бир йилгача гапирмадинг, қизим?— дебди у.

— Аҳмоқ куёвлар менга уйланмоқчи бўлишди,— дебди малика.— Улар менинг ҳусним билан ўзларининг бойлигию мартабаларини мақташдан бошқа нарсани билишмайди. Уларнинг гаплари жонимга тегди, жавоб бериш эмас, эшитишни ҳам истамасдим. Шунда, бирор ақлли гап эшитмагунимча, кўнглимга ёқадиған суҳбат қиладиган одам топилмагунча индамасликка қарор қилдим. Мана ниятимга етдим. Тўйга ҳозирлик кўринг, ота! Қизингизни ёш боғбонга беринг!

Отаси бошини чангаллабди.

— Ахир у қора халқдан-ку, у сенинг тенгинг эмас...

— Лекин барча шаҳзода-ю бекзодалардан, министрларингиздан ақлли,— дебди малика.— Ахир сўз бергансиз, бажаришингиз керак.

— Анави одобсиз йигит ҳам шундай деган эди!— деб бақарибди қирол.— Шунинг учун уни биринчи министр иккаламиз қатл этишга ҳукм қилдик.

Малика йиғлаб юборибди.

— Агар шундай бўлса, мен ҳеч кимга тегмайман! Яна индамас бўлиб оламан. Ўлгунимча ҳеч ким менинг товушимни эшитмайди.

Қирол қўрқиб кетибди. Қизи қиламан деган ишини қилмай қўймас экан.

— Менинг айбим йўқ,— деб бақарибди.— Биринчи министр мени йўлдан оздирди.

Қизи ҳеч нарса демай йиғлайверибди.

— Нима қилай?!— дебди қирол қўлларини силкитиб.— Балки кеч эмасдир. Майдонга чопар юборай-чи.

Чопар бор кучи билан майдонга югурибди. Ёш богбон эса маҳталга бошини қўйибди. Чопар улгуролмайд!

Жаллод қиличнини кўтарибди. Шунда Бахт учинчи марта унга ёрдам берибди. Жаллоднинг қўлини туртиб юборибди, қилич кундага тегиб синиб кетибди.

Шунда чопар ҳам етиб келибди. Узоқдан оқ рўмолини силкитиб, бақарибди.

— Қатли тўхтатинг! Йигитни зах ертўлага эмас, иззат билан саройга олиб боринг.

Гапни чўзиб нима қиламиз! Ёш богбон қиролнинг куёви, гўзал маликанинг эри бўлибди.

Министрни, бундан буён бемаъни маслаҳат бермасин деб, ҳайдаб юборишибди. Энди ёш куёв, богбоннинг собиқ дастёри, қиролга маслаҳат берадиган бўлибди. Унинг ҳамма маслаҳатлари оқиллона экан.

Ақл билан Бахт ўртасидаги баҳс нима бўлибди дерсиз? Улар инсонга Ақл ҳам, Бахт ҳам керак, деган қарорга келишибди. Бахт бўлмаса битта Ақл билан ташвишдан қутула олмайсан. Ақл бўлмаса, Бахтга ҳам ёмон бўлади. Аҳмоқлик билан барча ишни барбод қилиш мумкин.

ЕР ҚАЗУВЧИНИНГ ЖУМБОҚЛАРИ

Словак эртаги

Бир камбағал йўл ёқасидаги ариқни кавлашга ёлланибди. Бир кун кавлабди, икки кун кавлабди, учинчи куни бир воқеа рўй берибди. У бўлганми, бўлмаганми, ҳар ҳолда бўлгани аниқ.

Учинчи куни шу йўлдан қирол ўтиб қолибди. Балки у шунчаки айланиб юргандир, балки қироллик иши билан бирор томонга шошиб кетаётгандир, ҳар ҳолда у ариқ кавлаётган кишини кўриб тўхтабди. Унинг моҳирлик билан ишлаётганини томоша қилиб туриб:

— Яхши ишлар экансан!— дебди.

Ишчи бошини кўтариб қиролни кўрибди.

— Бу қайси томондан қарашга боғлиқ, жаноб олийлари. Сен

гомондан қаралса, яхши ишляпман. Мен томондан бўлса, иш оғир.

— Гапинг тўғри,— дебди қирол.— Бу ишинг учун кўп ҳақ ола-санми?

— Қай томондан қарашга боғлиқ. Сен томондан қаралса, оз кўринади, мен бўлсам бундан ортиқ ололмайман. Бир кунда уч пул оламан. Бу ўзимга етарли бўларди, лекин биттасини қарзимга тўлайман, биттасини қарз бераман. Фақат бир пул ўзимга қолади.

— Бу билан қандай кун кечиряпсан?— ҳайрон бўлибди қирол.

— Унақа қилсанг ҳам, бунақа қилсанг ҳам, жавоб битта, жаноб олийлари. Ночор яшайман.

— Нега бўлмаса ҳам қарз тўлайсан, ҳам қарз берасан?

— Бўлмаса нима қилай? Отам мени тарбиялаб вояга етказди. Энди мен унга қараяпман — қарзимни тўлаяпман. Уғлим ҳали ёш, уни табриялаяпман — қарз беряпман. Қариганимда менга қарзини тўлайди.

— Тушундим,— дебди қирол.

У кетаётган жойида яна тўхтабди.

— Менга қара, яхши йигит. Менинг ўн иккита министр-маслаҳатчим бор. Уларга қанча ҳақ тўлашимни сўрамай ҳам қўя қол, бунча кўп пулни кўрмагансан ҳам. Лекин улар норози, ҳақларини кўпайтиришни талаб қилишяпти. Гап шундай, мен уларга сенинг жумбоғингни айтаман. Топишса, қўшимча ҳақ тўлайман. Топиш-маса, тўламайман.

— Майли, жаноб олийлари!— дебди ер қазувчи.

— Лекин мени кўрмагунингча айтма.

— Хўп бўлади,— дебди у ва ишга тушиб кетибди.

Қирол шу куниёқ министр-маслаҳатчиларини тўплаб шундай дебди:

— Гап бундай, жаноб маслаҳатчилар. Кўпдан бери сизларнинг маслаҳатларингни эшитганим йўқ. Лекин сизларга кўп ҳақ тўлайман. Нимага арзишларингизни билмоқчиман. Сизларга, бир яхши одамдан эшитган учта топишмоқни айтаман. Уша одам бир кунда уч пул ишлайди. Бир пулини у қарзга беради, айтинг-чи, кимга қарз тўлайди? Бир пулини кимга қарзга беради? Учинчи топишмоқ, бу одам қандай ҳаёт кечиради? Мана шу жумбоқни топиш учун сизларга бир кечаю бир кундуз муҳлат. Эрталаб эса, менинг доноларим, жавобини айтаснэ!

Министр-маслаҳатчилар саросимага тушиб қолишибди, лекин сездиришмабди. Холнроқ хонага кириб қиролнинг жумбоғини ўйлай бошлашибди. Ўйлаб, ўйлаб, ўйларига етишолмабди. Шунда бир маслаҳатчи:

— Афтидан, хотинлар ҳаммавақт ҳам бекорчи гапларни гапиришмайди. Фойдали гап ҳам гапириб қўйишади. Бугун хотиним мени койиди. «Маслаҳатчясан, айт-чи, қирол охирги марта қачон сендан маслаҳат сўради? Индамайсан-а? Эслолмаяпсан. Билиб қўй, қирол эрталаб йўл ёқасида ариқ қавлаётган ишчи билан бир соат гаплашди. Бунни сабзавотчи хотин кўрибди. Сабзавотчи аёлнинг синглиси эса, менинг хизматчим...» Мен унга аҳамият бермагандим. Энди ўйлаб қолдим, балки қирол топишмоқни шу одамдан эшитгандир?— дебди.

Маслаҳатчилар севинишиб кетишибди. Ушандан сўраш керак Ҳаммалари ер қазувчининг олдига югуришибди.

— Қирол билан гаплашдингми?

— Гаплашдим.

— Унга топишмоқ айтганмисан?

— Айтганман.

— Бўлмаса, жавобини айт.

— Йўқ, жаноблар! Бу ишингиз кетмайди!— дебди-да, тескари қараб яна ер қазий бошлабди.— Ҳафа бўлманглар. Ўзимнинг уч пулимни ишлаб топишм керак.

Маслаҳатчилар унга ялинишибди, қўрқитишибди, унга бир халта кумуш, бир халта чақа пул беришибди. Ер қазувчи бу пулларга қарабди-ю, калласини сарак-сарак қилибди. Шунда маслаҳатчилардан бири бир ҳамён олтин пулни ер қазувчига берибди. У олтин тангаларни олиб кўрибди, санаб чиқибди ва маслаҳатчиларга қиролга айтгаиларининг ҳаммасини айтиб берибди.

Маслаҳатчилар тунги билан тинч ухлашибди. Эрталаб кайфиятлари чоғ ҳолда қиролнинг олдига келишибди.

— Ўйлаб, ўйлаб, шу қарорга келдик,— дейишибди улар.— Қарз тўлагани — отасини боққани, қарз бергани — ўглини тарбиялагани. Энди хазиначига айтинг, бизга қўшимча ҳақ тўласин.

— Ишёқмаслар!— деб бақирибди қирол.— Ўзларинг сира тополмасдиларинг! Ер қазувчини қўлга олгансанлар! У ҳам зўр экан! Чақиринг уни! Кўрсатиб қўяман унга!

Ер қазувчини олиб келишибди. У бўлса, ҳеч нарса бўлмаган-дек, ҳеч қандай айби йўқдек турган эмиш.

Қирол унга дўқ қилибди.

— Нега шартимизни буздинг?!

— Бузганим йўқ,— дебди ер қазувчи ва чўнтагидан олтин солинган ҳамён олибди.— Узинг айт, жаноб олиилари, бу тангаларда кимнинг акси туширилган?

— Меники, албатта,— дебди қирол.

— Бўлмаса нега жаҳлинг чнқади? Маслаҳатчиларинг йигирма беш марта сенинг юзингни кўрсатгунларича мен ҳеч нарса демасдим. Юзингни йигирма беш марта кўрганимдан кейин ҳамма гапни айтиб бердим.

Қирол кулиб шундай дебди:

— Сен ютдинг! Фақат бу ишёқмасларга кўп ҳақ тўлашим алам қилади.

— Ташвиш тортма жаноб олийлари,— дебди ер қазувчи,— сен уларга ҳеч нарса тўламайсан. Менинг олдимга келишга уларнинг ақллари етибди, лекин учинчи жумбоқнинг жавоби энди бошқача эканлигига ақллари етмайди. Ҳозир мен уларнинг пули билан яхши яшайман. Агар жаноб олийлари, бунинг устига сен ҳам инъом қилсанг, турмушим яна ҳам яхши бўлиб кетади.

Қирол билан ер қазувчи бир-бирларига қараб кулиб юборишибди. Улар қанчалик кўп кулишса, маслаҳатчиларнинг ҳайронлиги шунчалик ортибди.

КУБО ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БУРГОМИСТР БУЛДИ?



Чех эртаги

Аҳмоқ одам аҳмоқлигича қолади. У нима гапирмасин, қандай нш қилмасин ҳамма ҳайрон бўлади, елкасини қнсади. Эси паст бўлса нима ҳам қиласан!

Лекин шундайлари ҳам бўлади: йигит одамлар ўртасида аҳмоқ деб ном чиқаради, аҳмоқлардек нш қилади. Лекин, аслида-чи, ақлдилардан ҳам ақлли. Ҳамма гапни айтиб қўймайман. Яхшнси,

Кубо тўғрисида, бир вақтлар шаҳримизда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида эшитинг.

Агар бир бошидан бошлайдиган бўлсак уни ёш вақтида Кубо эмас, Кубичек деб аташаркан. У шаҳарда ҳам эмас, қишлоқда ҳам эмас, шаҳар девори ёнидаги эски уйда турадиган бева хотиннинг ўғли экан. Етти ёшидан бошлаб Кубичек иккита эчки билан битта сигирни ўтлатиб юрар экан. Уларнинг бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан. Онаси бўлса кув пишиб, ёгини шаҳарга олиб бориб сотар экан. Айронини тўкиб ташламас экан. Бир бурда нон билан бир товоқ айрон нонуштаси экан. Айронга нон тўғраса тушлик овқати экан. Лекин бизнинг йигитга шу ҳам фойдали экан. Катта бўлгач Кубичекни Кубо дея бошлашибди. Бир куни онаси унга шундай дебди:

— Сен катта бўлдинг, мен эса қариб қолдим, дармондан кетдим. Ёғни олиб бориб сотиш оғирлик қиляпти.

— Бўлмаса, ўзим олиб бораман.

— Уғлим, шаҳарда сира ҳам бўлмагансан. Ҳеч нарсани билмайсан. Сени алдаб кетишадн!

— Кўрамиз ким кимни алдар экан!— дебди Кубо.

Эрта билан Кубо шаҳарга отланибди. Онаси полиздан барг юлиб келиб ёғни ўрабди. Кейин уни халтага солибди. Кубо отасининг байрамларда киядиган кафтанини кийибди, арча шохидан калтак кесиб, унга халтасини осибди-да, шаҳарга йўл олибди.

Шаҳар дарвозаси олдига келибди. Қараса, уйлар баланд, уч қаватлик. Одамлар кўп, аравада, пиёда кетишаётганмиш... Дарвозанинг шундай ёнгинасида қўлларини чўзиб тиланчи ўтирганмиш. Ённдан ўтиб кетаётган кампир тўхтаб, тиланчига чақа ташлабди.

«Ойим бозорга боргин деган эди. У қаердалигини билмайман, билишни ҳам истамайман. Агар бу жойда бекордан-бекорга пул беришса, ёғим эвазига жуда кўп пул ишлайман»,— деб ўйлабди Кубо.

У тиланчидан нарироқда ерга халтасини ёзибди, устига баргда ёғни қўйибди.

Ўтиб кетаётган шаҳарликлар:

— Узун кафтанлик қўриқчи қаердан келиб қолди?— деб кулишибди.

— Полизда туриб зериккан-да,— дейишибди бошқалари.

Кубо гўё эшитмагандек ўтираверибди.

Шаҳарликлар ўтиб кетишибди, тиланчи ҳам уни калака қила бошлабди.

— Ёғинг билан шаҳар дарвозаларини мойласанг бўларди, ғичирламасди. Бари бир харидор келмайди.

Кубо яна индамабди.

Шу пайт қаердандир ориқ ит чопиб келибди. Кубонинг қарши-сида туриб думини ликиллатибди. Думи узун, худди қиличдек қий-шиқ экан. У итга:

— Жаноб, ёғ олмоқчимисиз? Марҳамат, қиммат сўрамайман, арзонга ҳам бермайман,— дебди.

Ит бир сакраб, ёғни тишлабди-да, кўздан ғойиб бўлибди.

Кубо гарданини қашиганча қолибди.

Кеч бўлганда уйига қайтиб келибди. Онаси сўрабди:

— Хўш, ўглим, ёғни сотдингми?

— Бўлмасам-чи, ойи, сотдим. Қора кафтанли, кулранг иштон-ли жанобга сотдим. Унинг одати қизиқ экан — нуқул қиличини ўйнаб тураркан.

— Яхши бўлибди. Пулни бер.

— У пулни кейинги гал берадиган бўлди.

Онаси йиғлабди.

— Сени алдаб кетишларини билар эдим, бечора Кубичегим. Онаси йиғлаб, қўнглини ёзибди.

Бир неча кун ўтгандан кейин Кубо яна шаҳарга отланибди.

— Эҳтиёт бўл, ҳеч кимга насияга берма!— деб тайинлабди онаси.

Кубо яна шаҳар дарвозаси ёнига келиб ўтирибди. Ёғини очи-ши билан яна ўша харидор келибди.

— Ҳа,— дебди Кубо,— қарзингии олиб келдингми?

Ит ёғга ёпишибди. Кубо таёғини олиб итга ташланибди. Ит вангиллаб ёғни ташлабди-ю, қочиб қолибди. Кубо бўлса уни қува кетибди.

— Сенга ёғнинг мазасини кўрсатиб қўяман, итвачча!

Ит қалин бутазор орасига кириб кетибди. Қочиб кетар экан-у, лекин Кубо унинг думидан ушлаб олган экан-да. Ит вангиллаб панжалари билан ерни тимдалабди. Кубо унинг думидан тортибди.

Шу пайт ердан битта олтин думалаб чиқибди, кейин, иккинчи, учинчиси. Шундай қилиб ердан бир кўза олтин чиқибди. У ерда

қанча турган, ким кўмган, ит билмайди, албатта. Кубо ҳам билмайди, биз ҳам билмаймиз.

— Ҳа, ахир қарзингни тўладинг-ку,— дебди у итга.— Ортиғи билан олдим, энди истаган жойингга кетавер.

У итни қўйиб юборибди.

Ит қочибди. Кубо бўлса, олтин тўла кўзасини кафтанига ўраб дарвоза олдига келибди. Қараса, халтаси бор-у, ёғ йўқ эмиш. Тиланчп ҳам кўринмабди.

«Майли,— дебди Кубо,— у ҳам ёғ ея қолсин».

Кубо мамиуи бўлиб уйга қайтиб келибди.

— Айтган эдим-ку, оёи, қарзимни оламан деб. Ўша қиличли жаноб яна келди. Озгина жанжаллашиб олдик. Лекин мен билан орани очиқ қилдн.

Она-бола пулни санай бошлашибди. Онаси юзгача, Кубо бўлса ўнгача санашни билар экан. Санаб-санаб, ҳисобдан адашиб кетишибди.

Шунда Кубо:

— Пулни санагандан кўра, яхшиси, шаҳардан боғи ва ери бўлган жой оламиз,— дебди.

Улар айтганларидек қилишибди.

Тўқ, бадавлат ҳаёт кечиршибди. Шу пайт шаҳарда миш-миш тарқалибди. Шунча бойликни қаердан олишди? Бева бировнинг молини ўғирлаганмикин? Ҳеч қаерда ҳеч нарса йўқолмаган. Демак, у эмас, Кубо ўғирлаган. Лекин давогар йўқ-ку. Балки...

Бу гап шаҳар бошлиқларигача бориб етибди.

Бир куни солдат келибди:

— Гап бундай, бева Анна, марҳум Янининг собиқ хотини, ўғлиниг Якуб икковингни шаҳар бошлиғи чақиряпти. Зудлик билан борар экансизлар!

Бева Анна қўрққанидан қалтираб кетибди. Нимадан хавотирга тушганини ўзи ҳам билмас эмиш. Тўғри, бошлиқлардан яхшилик кутиб бўлмас экан. Анна ўғли билан ратушага келибди.

Мажлислар залида креслода бургомистр, унинг икки ёнида икки маслаҳатчи қотиб ўтирганмиш. Эшикда эса солдат соқчиликда турганмиш.

Бургомистр йўталиб олнб гап бошлабди:

— Бизга тартиб сақлаш ва ёмонларга жазо бериш топширилган. Бизга сизларнинг боғ ва экинзор ер олганингизни хабар қи-

лишди. Сиз унинг пулни нақд тўлабсиз, ер учун чақа пул эмас, олтин пул тўлабсиз. Марҳум эринг Ян сизларга синиқ қошиқ билан тешик товоқдан бошқа ҳеч нарса қолдирмаганини ҳамма билди. Қани, айтинг-чи, бева Анна, юқорнда айтилган олтинларни меҳнат қилиб тондингларми ёки қаллоблик йўли биланми?

Анна бургомистрнинг гапини тушунмабди. Лекин эри Янни ёмонлагани унга алам қилибди.

— Нега эди, жаноб бургомистр, синиқ қошиқ билан тешик товоқ қолдирар экан?! Иккита эчки, битта қашқа сигир қолдирган. Сигир бир челак сут беради, эчкилар озгина сут берса ҳам лекин ёғлиқ. Уша сутдан ёғ олсанг...

— Бўлди, бас!— қўлни силтабди бургомистр.— Уғлингиз Якуб гапириб берсин.

Кубо бўлса тап тортмай, магистратдагиларга қиличли жаноб, қарзга олинган ёғ ҳақида гапира бошлабди.

— Тўхта, тўхта, қанақа қиличли жаноб? Биз шаҳардагиларнинг ҳаммасини биламиз. Исминини ҳам биламиз.

— Қора кафтанли, кулранг иштонли, тишлари ўткир, ўткир тириоқли,— дебди Кубо.

— Ўткир тириоқли деганинг нимаси!— деб бақирибди бургомистр.— Сен жинлар билан гаплашганга ўхшайсан.

— Уни озода деб бўлмайди,— дебди Кубо.— Жунлари патила-патила, кир бўлиб кетган.

— Шаҳримиз учун иенод!— деб бақиршибди маслаҳатчилар бараварига.— Ҳеч вақт бунақаси бўлмаган!

Шунда бургомистр гап бошлабди:

— Якуб олтинларни жинлардан олганига иқроп бўлдими, уни қатл қилиш керак. Илгариги замонларда биз гапни чўзиб ўтирмасдан, уни гулхаида ёқар эдик, нопок йўл билан орттирган бойлигини эса мартабамизга қараб бўлиб олардик. Лекин у замонлар ўтиб кетди. Кубо ҳали ёш ва бу иши учун тавба-тазарру қилиши мумкин. Шунинг учун биз уни сувда синаб кўрамиз. Агар у чўкиб кетса, биз уни гуноҳсиз деб ҳисоблаймиз. Агар у чўкмаса, демак у гуноҳкор бўлади ва биз унинг калласини оламиз.

— Бизнинг ер-сувимизни ўзаро бўлиб оласизларми?— дебди Кубо.

— Агар сен бургомистр бўлганингда нима қилар эдинг?— деб сўрабди бургомистр.

— Ялинманглар!— дебди Кубо.— Бургомистр бўлишга хоҳишим йўқ.

— Елғон гапиряпсан!— бақирибди биринчи маслаҳатчи.— Ҳар ким ҳам бургомистр бўлишни истайди!

Шу билан мажлис тамом бўлибди. Солдатни жаллодни айтиб келгани қўшни шаҳарга юборишибди, чунки бизнинг шаҳар кичкина бўлиб, ўзининг жаллоди йўқ эди. Кубони бўлса, катта чарм қопга солиб, оғзини маҳкам боғлашибди-да, тўғон бошидаги ўпқон олдига олиб келишибди. Қопдан қочиб кетолмайди, деб шундай қилишибди.

Уша тўғоннинг ёнидан йўл ўтар экан. Эрта билан ўша йўлдан жаллод ўтиб қолибди. Қопни кўриб, ундан сўрабди:

— Сени қатл қилишадими?

— Кимни бўларди?— дебди Кубо қоп ичидан.

— Нима гуноҳ қилдинг?

— Бургомистр бўлишни истамайман,— дебди Кубо.— Нима кераги бор.

Жаллоднинг кўзи ўйнаб кетибди.

— Агар мен қоп ичида бўлиб қолсам-чи? Бургомистр бўлармидим?

— Бўлар эдинг. Лекин ўрнимни бўшатиб бермоқчи эмасман. Чиққим келмаяпти.

— Чиқа қол,— ялинибди жаллод.— Сенга бир халта олтин бераман.

— Бўлганича бўлди, қопни еч.

Жаллод қопга тушибди, Кубо қопнинг оғзини маҳкам боғлаб, олтинни қўйнига тиқибди-да, уйига жўнабди.

Кўп ўтмай шаҳарликлар тўпланишибди. Бургомистр ҳам келибди. Жаллод бўлса қоп ичидан бақирибди:

— Тезроқ чиқаринглар! Бургомистр бўлишга розиман!

Шаҳарликлар кулишибди. Бургомистр ғазабдан лавлагидек қизариб кетибди.

— Яна ҳақорат қиладн-я! Жаллодни кутиб ўтирмаймиз. Ўзимиз ташлаб юборамиз.

Шундай деб сувга ташлаб юборишибди. Сув билқиллаб, қоп чўкиб кетибди.

Шаҳарликлар ўзаро гаплашиб тарқалишибди.

— Кубо гуноҳсиз экан, чўкиб кетди. Афсус:

Фақат бургомистр билан маслаҳатчилар афсусланишмабди. Мамнун ҳолда ратушага йўл олишибди. Улар ратушага яқинлашганларида, Кубонинг илжайиб келаётганини кўришибди.

Бургомистрнинг оёқлари чалишиб кетибди. Ахир ўз қўли билан уни сувга итариб юборган экан-да.

— Раҳмат сизларга, жаноблар! Узимча ўпқонга шўнғиш сира хаёлимга келмасди. Лекин шўнғиганим бекор кетмади. Мана, қаранглар!

Кубо қўйнидан жаллод берган олтинларни олиб у кафтидан бу кафтига ташлабди. Олтинлар жаранглабди.

— Олтинларни қаердан олдим дединг?— дебди бургомистр.

— Сувинг остидан, жаноб. У ерда ҳали ҳам анча бор. Эрта билан яна шўнғимоқчиман.

У олтинларни жаранглатиб йўлига равона бўлибди.

Бургомистр шу куни мажлис қилмабди. Қовоғини солганча уйига қайтиб кетибди. Хотини гап сўраса, уришиб берибди:

— Жим бўл, хотин, давлат сири бу!

Ўзи эса сув бўйига Кубодан олдинроқ боришни ўйлар экан. Ахир Кубо ҳамма олтинларни ташиб олиши мумкин экан-да. Ўзи шўнғиса бўлади-ю, лекин сув совуқ экан-да.

Ярим кечагача бургомистр ухлолмабди. Кейин тўғон бошига йўл олибди. Етиб қолганида товушлар эшитилибди.

— Қоч!— дермиш биттаси.— Мен биринчи маслаҳатчиман, мен биринчи сакрайман.

— Нима деяпсан?— дебди иккинчи маслаҳатчи.— Мен олдин келганман.

Шунда бургомистр уларни итариб ташлаб, ўйлаб турмай ўзини сувга отибди ва чўкиб кетибди.

Унинг кетидан иккала маслаҳатчи ҳам қурбақадек сувга сакрашибди. Кейин буталар орасидан котиб ҳам чиқиб, ўзини сувга отибди.

Бир кечанинг ўзида шаҳар бошлиқларидан асар қолмабди.

Уларнинг қаерга кетганини ҳеч ким билмас экан, фақат Кубо билар экан-у, индамабди.

Шаҳар бургомистрсиз бўлмайди. Шаҳарликлар маслаҳатлашиб, Кубони сайлашибди.

Тўғри қилишибди. Ахир у ҳаммадан ақлли бўлмаса ҳам, ҳаммадан айёроқ экан.

ҚУЙМА САНДИҚ



Чех эртаги

Бу воқеа қадим замонда бўлган. Уч юз йил олдинми, ундан кўпми, озми, ҳар ҳолда анча бўлган.

Бир бой қоронғи тушмасдан Прагага етиб олишга шошилиб ўрмондан кетаётган экан. Қаердан келаётгани номаълум, бойларнинг иши оз дейсизми, сиз билан биз бой эмасмиз, бу ишларга қизиқмаймиз ҳам.

Йўл айрилишга келганда, кучерга аравани тўхтатишни буюрибди. Йўлни улар яхши билншмас, сўрай дейишса, бирорта ҳам одам йўқ экан. Кучер ўнг томонга юрамиз деса, бой чап томонга юрамиз дер эмиш. Ниҳоят бой айтгандек чап томонга бурилишибди.

Улар кетаверишибди, кетаверишибди. Қоронғи тушиб қолибди. Дарахтлар ораси шунчалик қоронғи эмишки, ҳатто йўл ҳам кўринмас эмиш. Хуллас, адашиб қолишибди.

Шу пайт яқин орадан чироқ кўрингандек бўлибди. Отлар тўхтаб пишқиришибди, қулоқларини чимиришибди. Еруғлик эса борган сари равшаиладаверибди. Олдин қизариб, кейин сарғайибди. Атроф шунақа чарақлаб кетибдики, кўзни қамаштириб очгани кўймабди. Отлар шотини буриб, оёқларини осмонга кўтаришибди.

— Отни ушлолмаяпман!— дебди кучер.

— Кўзини богла, ўзинг ҳам кўзингни юм. Мен бориб нима гаплигини билиб келаман.

У дарахтлар орасидан биқиниб бориб, ниҳоят ялангликка чиқибди.

Нимани кўрибди денг? Шу ялангликда катта тош турган эмиш. Тош устида эса хоҳ ишонинг, хоҳ ишоимаиг, қопқоғи очиқ сандиқ турган эмиш. Унинг ёнида бир тўп олтин эмиш. Олтиннинг ярақлашидан ўрмоннинг ярми ёришиб кетган эмиш. Қошлари қалин, оқ соқолли жимит одам эса ўша олтинларини санаб сандиққа ташлаётган эмиш.

Бойнинг олтинлари кўп экан-у, лекин бунақа бойликни тушида ҳам кўрмаган экан.

Бой нафасини ичига ютиб тураверибди. Олтинлар жаранглаб

сандиққа тушар, унинг жаранглаши ёқимли куйдек бойнинг қулогига ёқар экан.

Бой ўзини тутиб туролмай:

— Шунча олтин кимники?— деб хитоб қилибди.

Пакана одамлар чўчиб тушишибди. Олтинлар гўё эриб кетгандек сўниб қолибди. Пакана одамнинг биттаси сакраб сандиққа тушиб, қопқоғини ёпибди-да, сандиқ билан ер остига кириб кетибди. Фақат:

— Олтинлар сеники эмас!— деб бақиршига улгурибди.

Иккинчи пакана бўлса, ялтироқ қўнғизни тутиб олиб, ўша билан ерни текшира бошлабди.

Ниҳоят у четга думалаб кетган учта олтинни топиб олибди.

Бой сакраб олтинга қўл чўзибди. Лекин пакана одам унинг қўлига бир урибди.

— Сеники эмас, деб айтдик-ку!

— Кимники бўлмаса?

— Меросхўрники.

— Қим бунақа мерос қолдиради?

— Ўзи топган-у, лекин кўрмаган киши.

Бой ҳеч нарса тушунмай яна сўрабди:

— Меросхўр ким?

— Қизингнинг эри.

— Қанақа эри? У ҳали ёш-ку.

— Қичкиналар катта бўлишади,— дебди пакана одам.

— Куёвимнинг исмини айт,— дебди бой. Пакана одам бош чайқабди:

— Ҳаққим йўқ.

— Белгиларини айт. Янглишиб қизимни бошқа одамга бериб қўймай.

Пакана одам жавоб бермай елкасини қисибди.

Бой яна тиқилинч қилибди:

— Бўлмаса ерда ётган мана шу учта тангани менга бер.

— Нима деясан!— пакана қўлини силтабди.— Сира мумкин эмас. Лекин... алмаштиришим мумкин. Сен менга уч дукат берсан, мен сенга мана буларни бераман.

Улар шундай қилишибди.

Бой ердан тангаларни олгунча иккинчи пакана ҳам ғойиб бўлибди.

Бой арава ёнига қайтиб келибди. Отлар тинчишган, йўлга тушиш мумкин экан. Лекин бой эрталабгача кутиб, жойни яхши билиб олмоқчи, йўлни аниқламоқчи бўлибди.

Ниҳоят тонг отибди. Бой аτροφни кўздан кечириб, ҳамма тошларни, барча дарахтларни яхшилаб таниб олибди. Шундан кейингина улар йўлга тушишибди.

Кўп ўтмай улар катта йўлга чиқишиб, тушгача Прагага етиб келишибди.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар, ойлар кетидан ойлар ўтибди. Бой бўлса, бойлик кимга тегишини билолмай тинчини йўқотибди. Ниҳоят у нима қилишни ўйлаб топибди. Бир кун эрта билан у тангаларнинг бирини олибди-да, кўчанинг ўртасига ташлаб қўйибди. Ўзи бўлса, дераза олдида пойлаб турибди.

Қизиқ! Қўча тўла одам, у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди-ю, бирортаси оёғи остидаги олтинни кўрмабди.

Кеч бўлибди. Бой олтинни қайтиб олиш учун кўчага чиқмоқчи бўлибди. Лекин шу пайт қаердандир жулдур кийимли бир бола пайдо бўлибди-ю, олтинни олиб қочиб қолибди. Бой, ҳой, дейишга ҳам улгурмабди.

— Биринчиси ҳисоб эмас!— дебди ўзича.— Олтинга ачинасан-у, лекин шундай қилмаса билиб бўлмайди.

Эртасига иккинчи олтинни ташлабди. Шу кунни ҳам танга кун бўйи кўчада ётибди, кечга яқин яна ўша бола пайдо бўлиб, олтинни олибди, чўнтагига солиб ғойиб бўлибди.

— Наҳотки, мана шу жулдурвоқига қизимни берсам?— дебди бой.— Учинчи марта синаб кўрай-чи.

Бу гал бой дераза олдида эмас, дарвозанинг орқасида кутиб турибди.

Бола пайдо бўлиши билан у олдидан тўсиб чиқибди. Бола олтинга ёпишганда бой унинг қўлидан тутибди.

— Тўхта!— дебди у.— Бу олтинни қаердан билдинг?

Бола жавоб берибди:

— Пакана кишидан. Уч кечадан бери пакана одам тушимга кириб, олтинларни олишни буюради. Мен уларнинг эгаси йўқ, деб ўйлаган эдим. Агар сизники бўлса, иккитасини ҳозир бераман. Учинчисини ишлаб топганимда бераман. Мен у пулга ойимга дори олганман.

«Демак, меросхўр мана шу!» — ўйлабди бой ва:

— Юр, уйга керамиз,— дебди.

Хизматкорларига овқат олиб келишни буюрибди. Бола оғзини тўлдириб овқат ер, бой бўлса, кимлигини, қаерда туришини суриштираркан.

Бола қуйидагиларни айтиб берибди.

Илгари улар бой бўлишмаса ҳам, тўқ ҳаёт кечиришган. Отаси топонгич одам бўлган, унинг ёнғоқ, қайин, эман таёқчалари бўлган. У қаерда сув, қаерда кон борлигини шу таёқчалар туфайли биларкан. Шу тариқа ҳаёт кечиришар экан. Қўлидаги бутоқ ерга эгилса, шу жойдан қудуқ қазини керак экан. Шоҳлар конларни ҳам кўрсатиб бераркан. Лекин отаси бетоб бўлиб қолибди. Бир куни кўзлари хиралашгач, ўрмонда адашиб қолиб, уйга зўрға етиб келибди. Шу-шу ўрнидан турмабди. Улими олдидан қандайдир хазина тўғрисида гапирибди... Албатта, алаҳлаган бўлса керак...

Бой унинг гапларига қулоқ солар, юраги ҳаприқар экан: албатта шу йигит унинг кўёви!

Отаси ўлганда у етти яшар экан. Шундан кейин улар камбағаллашиб қолишибди. Онаси касал бўлиб қолгунгача одамларнинг кирини ювибди. Шундан кейин бола темирчига шогирд тушибди. Ҳозир ўша жойда ишларкан.

«Йўқ,— дебди бой.— Менинг қизим темирчига тегмайди».

Бой бева хотиннинг олдига борибди. У аёлга ёрдам бериб турадиган, ўғлини эса тарбиялаб, савдо ишларига ўргатадиган бўлибди.

Углидан ажралиш она учун қийин-у, лекин ўйлаб розилик берибди. Чунки она ўз бахтидан кўра ўғлининг бахтинини кўпроқ ўйлар экан-да.

Боланинг зеҳни ўткир экан. Ҳар бир гапни дарров илиб олар, савлода ҳам ҳаммадан ўзиб кетибди. Кўп ўтмай у бойнинг биринчи ёрдамчиси бўлиб олибди.

Беш йил ўтибди. Бойнинг қизи боғда очилган гулдек очилибди. Ун еттига тўлибди. Бола эса йигирма ёшга кирибди.

«Тўй қилиш вақти бўлди»,— деб ўйлабди бой.

Вақтни ўтказмай тўй қилишибди, икки ёшнинг бошини қоуштиришибди.

Эртасига бой аравани қўшишни буюрибди ва ёш куёвни ўша ўрмонга, ўша ялангликка олиб кетибди.

Кечга яқин етиб келишибди. Кучерига нарироқ бориб туришни буюриб, ўзлари эман дарахтп илдизига ўтиришибди-да, кута бошлашибди. Кекса бой нимани кутаётганини билар, лекин куёв ҳеч нарсадан хабарсиз экан. Қайнотасннинг қилигига ҳайрон бўлибди.

Яланглик қоп-қоронғи, атроф жимжит. Шитир этган товуш эшитилмас экан. Булутлар орасидан ой кўтарилиб, уфққа ботибди. Тонг ота бошлабди, шохларда қушлар сайрай бошлабди. Утларга шабнам тушиб, иккаласи ҳам совқотишибди.

«Наҳотки лаънати паканалар алдаган бўлса?!»

Мана, куёш ҳам чиқибди. Ортиқ кутишнинг ҳожати йўқ! У куёвни билан аравага ўтириб, Прагага қайтиб кетибди.

Шу кечадан бошлаб бой ўзгариб қолибди. Ҳаммага қаҳрини сочар, ҳаммани уришаверар экан. Айниқса, куёвини қаттиқ қийнар экан. Уни ҳол-жонига қўймайдиган бўлибди. Эртадан-кечгача уришаверибди. Иш шу даражага етибдики, бой арзимаган нарса учун куёвини уйдан ҳайдаб чиқарибди ва орқасидан:

— Остонамга қадам босма, гадоївачча,— деб бақариб қолибди.

Шунда қиз отасига:

— Сиз эримни ҳайдаб юбордингиз, мен ҳам унинг кетидан кетаман. У яхшимн, ёмонмн, боймн, камбағалми, ҳар ҳолда менинг суюкли эрим. Мен у билан бахтни ҳам, гамни ҳам баҳам кўришга ваъда берганман. Бу сўзнмдан қайтмайман,— дебди.

Бой қанчалик ялиниб-ёлворса ҳам қизи кўнмабди, эри билан кетибди. Бой ўз бойлиги билан ёлғиз қолибди.

Ёшлар шаҳар чеккасидаги кулбага бориб жойлашишибди. Эри эски саройга босқон билан сандон қўйиб, илгари ўрганган ҳунари билан тирикчиликни тебратибди. Камбағал бўлишса ҳам шод, меҳнат қилишса ҳам мамнун ҳаёт кечиришибди. Кампир онаси ҳам улар билан турибди.

Бир кун темирчи устахонаси остонасида, биров от тақалатгани келиб қолармикан, деб кутиб турган экан. Шу пайт бир арава кўринибди, аравада қўйма сандиқ, унинг устида бўйи пакана бўлса ҳам соқоли узун бир чол ўтирган экан.

Чол ерга тушиб, аравадан сандиқни олибди-да, ҳеч нарса демасдан устахонага олиб кирибди.

Темирчи энди нима бўлишини кутиб турибди. Чол шундай дебди:

— Мана, уста, ўз ҳунарингни кўрсат. Шу сандиқни оч. Унинг калити йўқолган, лекин қулфи тилсимли. Очсанг — хафа бўлмайсан! Шаҳарда ишим бор, ўша ёққа бориб келай.

— Қаерликсан?— сўрабди темирчи.

— Юмалоқ Яланглик қишлоғидаги Арчалик кўчасиданман.

— Бунақа қишлоқни билмайман,— дебди темирчи.

— Вақти келгунча билишингнинг ҳожати йўқ,— дебди чол.

У аравага ўтириб, жўнаб кетибди.

Темирчи сандиқнинг қулфини яхшироқ кўриш учун ёруғ томонга бурмоқчи бўлибди. Лекин оғирлигидан ўрнидан қўзғата олмабди.

— Чол шунчалик оғир нарсани қандай қилиб парёстикдай кўтарди!?— деб ҳайрон бўлибди.

У сандиқнинг қопқоғига тегиши билан ўз-ўзидан очилиб кетибди. Сандиқда... тўла олтин. Ялтирашидан темирчининг устахонаси ёришиб кетибди. Темирчи қўрқиб кетибди. Шоша-пиша сандиқ қопқоғини ёпиб чолнинг қайтиб келшини кута бошлабди.

Кечгача кутибди, чол келмабди. Бир ҳафта кутибди, бир ой кутибди, чолдан дом-дарак бўлмабди.

«Ўзим қарияни қидирмасам бўлмайди!— ўйлабди темирчи.— У сандиқда қанақа бойлик борлигини билмаса керак».

Қўшнисининг от-аравасини сўраб, Юмалоқ Яланглик қишлоғидаги Арча кўчани қидириб кетибди. Кимдан сўрамасин, ҳеч ким бунақа кўчани билмас эмиш, бунақа қишлоқни эшитмаган эмиш.

Атрофдаги ҳамма қишлоқларни айланиб чиқибди, бирорта ҳам хуторни қолдирмабди. Арча кўчани ҳам, Юмалоқ Яланглик қишлоқни ҳам тополмабди.

Нима қила оларди.

Орқасига қайтибди.

Урмон ичидан ўтибди. Кўп ўтмай қоронғи тушибди. Йўл айрилишга келганда ўйига, Прага томонга юриш керак экан. Лекин от уни чап томонга суриб кетибди. Темирчи қанча ҳаракат қилмасин, жilовини қанча бурмасин, от уни чап томондаги йўл билан олиб кетибди.

Йўл ҳам тамом бўлибди. Шу пайт от тўхтабди, дарахтлар орасидан иккита чўғ кўрингандек бўлибди. Темирчи аравадан тушиб, ўша томонга юрибди-ю, Юмалоқ Ялангликка чиқиб қолибди.

Ялангликнинг ўртасида катта тош, унинг устида эса иккита қария турган эмиш. Улар қўлларидаги ялтироқ қўнғизчаларини силкиб, уни ўз ёнларига чақирдишибди.

Темирчи чолларнинг бирига қарабди — сандиқ олиб келган чолга жуда ўхшатибди, лекин бунинг бўйи пастроқ экан. Иккинчисига қарабди, йўқ, сандиқни буиниси олиб келган, деб ўйлабди. Улар бир-бирларига худди бир олманинг икки палласидек ўхшар эмиш.

Пакаиа одамлар илжайишибди:

— Бизнинг Юмалоқ Ялангликдаги Арча кўчамизга хуш келибсан. Қаерга борганингни, нималарни қидирганингни биламиз. Ҳеч нарса сўрама, тош ёнига ўтириб, қулоқ сол,— дейишибди.

Темирчи ўтирибди. Пакаиа одамларнинг бири гап бошлабди.

— Жуда қадим замонда, (шунчалик қадим замондаки, ҳатто одамларнинг эсидан чиқиб кетган), мана шу жойларда бир қирол ҳукмронлик қилган. Умр бўйи у қўл остидаги одамларни қийнаб олтин тўплаган. Қариганда беҳисоб ҳазина йиққан. Бойлик кўп экан-у, меросхўри йўқ экан. Ака ва сингиллари бўлмаган, худо фарзанд ҳам бермаган. «Менинг бойликларим ҳеч кимга насиб қилмасин!»— деб қарор қилган қирол. У барча қимматли тошларни, олтин ва кумушларини сандиқларга жойлаб, содиқ хизматкорларига турли жойларга кўмиб ташлашни буюрган. Ҳазиня қаерга яширилганини ҳеч ким билмаслиги учун хизматкорларнинг калласини олдирган. Уларни садоқат билан хизмат қилганлиги эвазига мана шундай мукофотлаган. Одамлардан яширган, лекин ёнлардан, жимит одамлардан яширолмаган. Чунки ер остида ётган барча кон ва маъданлар бизнинг қўл остида.

Биринчиси тўхтабди. Иккинчи жимит одам гап бошлабди:

— Шунда бизнинг жимит халқимиз бу ҳазина вақти келгунча ётаверсин, деган қарорга келди. Олтинларни яхши одам топса, берамиз, ёмон одам топса, уларни ололмайди. Уни бошини айлан-тириб, олтин кўмилган жойни яширамиз-у, икки қўлини бурнига тикиб қолаверади, деб келишдик. Сенинг отанг яхши одам эди...

— Ҳунари ҳам яхши эди,— унинг гапини бўлибди биринчи

жимит.— Бизнинг сирларимизни билар эди, шунинг учун биз ундан яширинмасдик. Бир кун фалокат юз берди. Биз сув ичиб турадиган булоқнинг суви қуриб қолди. Қуриб қолдимми, оғзи кўмилиб қолдимми, билмадик. Аҳволимиз оғирлашиб қолди, чунки биз сувга ҳокимлик қилолмасдик. Оқар сувга ҳам, турар сувга ҳам, ёмғир сувига ҳам ҳокимлик қилолмаймиз. Шунда отанг бизга ёрдам берди. Енғоқ таёқчасини олиб, қуриб қолган булоқ атрофини айланиб, бизга сув топиб берди. Бунинг эвазига биз сен ўтирган Юмалоқ Ялангликни кўрсатиб, бир сандиқ олтин бердик. Ўша пайтда отанг бемор ва кўзи ожиз эди. Хазинадан фойдаланолмади. Ўзинг биласан, уйга аранг етиб бориб, кўп ўтмай вафот этди. Биз хазинани, ўғли катта бўлганда унга беришга қасам ичдик. Агар бой қайнотанг бўлмаганида отанг қолдирган хазинани аллақачон олган бўлар эдинг. Энди олтинларни сен ол, ўзингга ишлат, одамларни хурсанд қил.

— Раҳмат сизга,— дебди ёш темирчи.— Нима десангиз ҳаммасини бажараман. Мен қаттиқчилликни кўрганман, керилиб кетмайман, бошқаларга ҳам ёрдам бераман.

Темирчи, жимит одамлар билан хайрлашиб, аравасига ўтирибди-да, эрталабгача Прагага етиб борибди.

Хотини билан узоқ умр кўрибди. Кўп яхшиликлар қилибди. Ўзидан яхши ном қолдирибди. Унинг тўғрисида ҳамма гапириб юрибди. Биз ҳам эшитганларимизни сизга айтдик.



МУНДАРИЖА

ТОШ ВА КОНЛАР ҲУКМДОРИ (словак эртаги) . . .	3
ЧИВИН БИЛАН АЙИҚ (словак эртаги)	11
ИНДАМАС МАЛИКА (чех эртаги)	13
ЕР ҚАЗУВЧИНИНГ ЖУМБОҚЛАРИ (словак эртаги)	19
КУБО ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БУРГОМИСТР БУЛДИ? (чех эртаги)	22
ҚУЙМА САНДИҚ (чех эртаги)	29

Тош ва конлар ҳукмдори. Чех ва словак эртаклари. (Русчадан В. Йўлдошев таржимаси). Т., Ёш гвардия, 1979. 36 б.

Повелитель камней и руд. Чешские и словацкие сказки.

И(чехосл.)

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун

На узбекском языке

ПОВЕЛИТЕЛЬ КАМНЕЙ И РУД

Словацкие и чешские сказки

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1979

Редактор С. Сайдалиева
Рисом Г. Колесникова
Расмлар редактори Қ. Алиев
Тех. редактор Л. Буркина
Корректор М. Мирзаев

С $\frac{70802-6}{M-356 (06)-79}$ 141-79

Босмахонага берилди 5/Х-1978 й. Босишга рухсат этилди 31/1-1979 й. Формати 60×84¹/₁₆. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,32. Нашр листи 1,96. Тиражи 100000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 151—78. Заказ № 4318. Баҳоси 10 т. Қоғоз № 1.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.